

Yashil

IQTISODIYOT va TARAQQIYOT

ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, ilmiy, ommabop jurnal

2
0
2
4

**“YASHIL” IQTISODIYOTGA O‘TISHDA INNOVATSIYALARNI
KENG JORIY QILISH VA BARQAROR IQTISODIYOTNI
INSTITUTSIONAL TARAQQIY ETTIRISH DOLZARBLIGI**

**INSTITUTIONAL DEVELOPMENT OF A SUSTAINABLE
ECONOMY AND WIDE IMPLEMENTATION OF INNOVATIONS
DURING THE TRANSITION TO A GREEN ECONOMY**

**ИНСТИТУЦИОНАЛЬНОЕ РАЗВИТИЕ УСТОЙЧИВОЙ
ЭКОНОМИКИ И ШИРОКОЕ ВНЕДРЕНИЕ ИННОВАЦИЙ ПРИ
ПЕРЕХОДЕ К “ЗЕЛЕННОЙ” ЭКОНОМИКЕ**

Onlayin xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari

2024-yil 20-may



MAXSUS SON



74-91 xalqaro daraja
ISSN: 2992-8982



Yashil

IQTISODIYOT va TARAQQIYOT

Ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, ilmiy, ommabop jurnal

Bosh muharrir:

Sharipov Kongiratbay Avezimbetovich

Bosh muharrir o'rinbosari:

Karimov Norboy G'aniyevich

Muharrir:

Qurbonov Sherzod Ismatillayevich

Tahrir hay'ati:

Salimov Oqil Umrzoqovich, O'zbekiston fanlar akademiyasi akademigi
Abduraxmanov Kalandar Xodjayevich, O'zbekiston fanlar akademiyasi akademigi
Rae Kvon Chung, Janubiy Korea, TDIU faxriy professori, "Nobel" mukofoti laureati
Osman Mesten, Turkiya parlamenti a'zosi, Turkiya – O'zbekiston do'stlik jamiyati rahbari
Sharipov Kongiratbay Avezimbetovich, t.f.d., prof., O'zR Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vaziri
Buzrukxonov Sarvarxon Munavvarxonovich, i.f.d., O'zR Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vaziri o'rinbosari
Axmedov Durbek Kudratillayevich, i.f.d., prof., O'zR Oliy Majlisi qonunchilik palatasi deputati
Xudoyqulov Sadirdin Karimovich, i.f.d., prof., TDIU YoMMMIB birinchi prorektori
Abduraxmanova Gulnora Kalandarovna, i.f.d., prof., TDIU Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektori
Kalonov Muxiddin Baxritdinovich, i.f.d., prof., "O'IRIAM" ilmiy tadqiqot markazi direktori – prorektor
Yuldashev Mutallib Ibragimovich, i.f.d., TMI professori
Samadov Asqarjon Nishonovich, i.f.n., TDIU professori
Slizovskiy Dimitriy Yegorovich, t.f.d., Rossiya xalqlar do'stligi universiteti professori
Mustafakulov Sherzod Igamberdiyevich, i.f.d., prof., Xalqaro "Nordik" universiteti rektori
Aliyev Bekdavat Aliyevich, f.f.d., TDIU professori
Axmedov Ikrom Akramovich, i.f.d. TDIU professori
Po'latov Baxtiyor Alimovich, t.f.d., profesor
Eshtayev Alisher Abdug'aniyevich, i.f.d., TDIU professori
Isakov Janabay Yakubbayevich, i.f.d., TDIU professori
Musyeva Shoirazimovna, SamDu IS instituti professori
Axmedov Javohir Jamolovich, i.f.f.d., "El-yurt umidi" jamg'armasi ijrochi direktori o'rinbosari
Toxirov Jaloliddin Ochil o'g'li, t.f.f.d., TAQU katta o'qituvchisi
Xalikov Suyun Ravshanovich, i. f. n., TDAU dotsenti
Kamilova Iroda Xusniddinovna, i.f.f.d., TDIU dotsenti
Nosirova Nargiza Jamoliddin qizi, i.f.f.d., TDIU dotsenti
Rustamov Ilhomiddin, f.f.n., Farg'ona davlat universiteti dotsenti
Fayziyev Oybek Raximovich, i.f.f.d. (PhD), Alfraganus universiteti dotsenti
Sevil Piriyeva Karaman, PhD, Turkiya Anqara universiteti doktoranti
Mirzaliyev Sanjar Maxamatjon o'g'li, TDIU mustaqil tadqiqotchisi
Utayev Uktam Choriyevich, O'zR Bosh prokuraturasi boshqarma boshlig'i o'rinbosari
Ochilov Farxod, O'zR Bosh prokuraturasi iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamenti bo'limi boshlig'i
Yaxshiboyeva Laylo Abdisattorovna, TDIU katta o'qituvchisi

Ekspertlar kengashi:

Berkinov Bazarbay, iqtisodiyot fanlari doktori, professor
Hakimov Ziyodulla Ahmadovich, i.f.d, TDIU dotsenti
Tuxtabayev Jamshid Sharafetdinovich, i.f.f.d, TDIU dotsenti
Xamidova Faridaxon Abdulkarim qizi, i.f.d., TMI dotsenti
Babayeva Zuhra Yuldashevna, TDIU mustaqil tadqiqotchisi

Muassis: "Ma'rifat-print-media" MChJ

Hamkorlarimiz: Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, O'zR Tabiat resurslari vazirligi, O'zR Bosh prokuraturasi huzuridagi IJQK departamenti.

I shu'ba

IJTIMOIIY-IQTISODIY BARQAROR RIVOJLANISH
MAQSADLARIGA ERISHISH UCHUN “YASHIL” IQTISODIYOTGA
JADAL O‘TISH

Section I

ACCELERATED TRANSITION TO A GREEN ECONOMY TO
ACHIEVE SOCIO-ECONOMIC SUSTAINABLE DEVELOPMENT
GOALS

I секция

УСКОРЕННЫЙ ПЕРЕХОД К “ЗЕЛеноЙ” ЭКОНОМИКЕ ДЛЯ
ДОСТИЖЕНИЯ ЦЕЛЕЙ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО
УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ





НОГИРОНЛИГИ БОР ШАХСЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Каримов Бекзоджон Илхомович


ТДИУ мустақил изланувчи

Ижтимоий ҳимоя тизимининг энг асосий устувор жиҳатларидан бири – бу ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламининг ижтимоий хавфсизлигини ҳар томонлама таъминлашдир. Ижтимоий хавфсизлик деганда давлат томонидан ҳимояланишга муҳтож бўлган аҳоли қатламларининг жамиятда ўз ҳуқуқ ва манфаатларига эга бўлиши, ҳар қандай вазиятда давлат томонидан уларга ғамхўрлик қилиниши кабилар тушунилади. Бошқача қилиб айтганда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли давлатнинг мустаҳкам ва барқарор ҳимояси остида бўлиши улар учун ижтимоий хавфсизликнинг тақдим этилишини англатади. Ижтимоий ҳимоя тизимининг энг нозик қатламларидан бири бўлган ногиронлиги бор шахслар давлат томонидан айнан ана шундай ижтимоий хавфсизлик билан кафолатланиши муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатда ногиронлиги бор шахслар учун ижтимоий хавфсизликни кафолатлаш, уларнинг қадри, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлайдиган ижтимоий ҳимоя тизimini ривожлантириш давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун ижобий аҳамиятга эга бўлиб, буни қуйидагиларда кўриш мумкин:

- ногиронлиги бор фарзандларни тарбиялаб вояга етказадиган оилалар давлатнинг уларга ҳамдард эканлигини ҳис қилишади, бу эса ушбу оилаларнинг бошқа барча аъзоларини давлат ва жамиятга нисбатан бўлган ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлишларига олиб келади. Бундай фуқаролар давлатнинг уларнинг яқинлари бўлган ногиронлиги бор шахсларга кўрсатган ғамхўрлигини унутмасликка ҳаракат қиладилар ва ҳар қандай вазиятда давлат манфаатини уйлаб ҳаракатланишни ўзларининг инсоний бурчлари деб биладилар. Бу эса табиий равишда бундай фуқароларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши йўлида астойдил ҳаракатланишларига замин яратади ва мамлакатдаги ривожланган инсоний жамиятнинг шаклланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади;
- ногиронлиги бор шахсларга таълим бериш, уларни касбга ўргатиш ва иш билан таъминлаш мамлакат иқтисодий салоҳиятидан максимал даражада тўлиқ фойдаланиш йўлидаги ижобий қадамлардан бири бўлиб, бунинг натижасида ногиронлиги бор шахслар ўз эгаллаган билим ва касблари билан маҳсулот ва хизматлар яратишда фаол иштирок этадилар. Бу эса мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун, керак бўлса мамлакатда яратиладиган ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ошиши учун ўз манфаатини беради;
- давлат томонидан ногиронлиги бор шахслар учун хизмат қиладиган инфратузилмани ривожлантириш, уларни тиббий ва ижтимоий реабилитация қилиш, замонавий протез – ортопед буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган дастурлар тадбиркорлик субъектларининг ривожланиши ва мамлакат фуқаролари учун қўшимча иш жойларининг яратилишига олиб келади. Бу эса мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини белгилашда муҳим омиллардан бири бўлган бизнес ва тадбиркорлик муҳитининг ривожланиши ҳамда иқтисодий фаол аҳоли сонининг ошишига муносиб ҳиссасини қўшади.

Бугунги кунда ногиронлиги бор шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш усуллари кўп бўлиб, улар орасида энг кенг тарқалган усуллар 1-расмда келтирилган.



1-расм: Ногиронлиги бор шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш усуллари¹

1-расмда ногиронлиги бор шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг энг кенг тарқалган усуллари кўрсатилган бўлиб, куйида шу усулларнинг ҳар бири хусусида амалий мисолларни келтириш орқали қисқача тўхталиб ўтамир:

- Ногиронлиги бор фарзандларни вояга етказаётган оилаларни ижтимоий ва молиявий қўллаб-қувватлашда турли хил ёрдам воситаларидан фойдаланилади, жумладан, мунтазам равишда ҳар ой тўланадиган ижтимоий нафақалар, оилаларга бепул психологик хизматлар кўрсатиш, шунингдек, оилаларни улар учун манфаат келтирадиган турли хил ҳукумат дастурларида иштирок этишларини қўллаб-қувватлаш;
- Ногиронлиги бор шахсларга ғамхўрлик кўрсатадиган, таълим берадиган ва касб ўргатадиган муассасаларни қўллаб-қувватлашда давлат томонидан хусусий секторнинг иштирок этиши ҳам рағбатлантирилади. Бундай рағбатлантиришнинг, асосан, иккита усули мавжуд бўлиб, биринчиси янги шу мақсадда ташкил этиладиган хусусий сектор ташкилотлари учун турли хил имтиёзлар берилади, иккинчиси эса йирик компанияларнинг ўз корпоратив ижтимоий жавобгарлик дастурлари асосида ногиронлиги бор шахсларга хизмат кўрсатадиган муассасаларни ташкил этиши қўллаб-қувватланади;
- Ногиронлиги бор шахсларга ижтимоий нафақалар ажратиш ва моддий ёрдам кўрсатишда давлат томонидан ногиронлиги бор шахслар доимий равишда ижтимоий нафақалар билан таъминланишдан ташқари протез – ортопед буюмлари ва реабилитация воситалари, шу жумладан, ногиронлик аравачалари билан таъминланиб туради;
- Ногиронлиги бор шахсларга қулайлик туғдирадиган рақамли технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни қўллаб-қувватлашда давлат бундай технологияларни яратадиган хусусий компанияларни турли хил имтиёзлар билан рағбатлантиради. Масалан, Японияда Panasonic, Toyota, Honda, Hitachi каби машҳур компаниялар ўз асосий фаолиятларидан ташқари бундай технологияларни яратиш учун давлат буюртмасини бажариш билан ҳам шуғулланишади;
- Ногиронлиги бор шахсларни иш билан таъминлашда давлат хусусий сектор компанияларини фаол жалб этишга ҳаракат қилади. Масалан, Россия Федерациясидаги йирик савдо тармоқларидан бири бўлган “АТАК” компанияси ногиронлиги бор шахсларни ўз дўконларида кассирлик лавозимида ёллади. Ҳиндистондаги машҳур курьерлик компанияларидан бири ўз хизматларини бажаришда 600 нафарга яқин ногиронлиги бор шахсларни ёллаган;

¹ Ушбу расм муаллифнинг ўзи томонидан яратилди.



- Ногиронлиги бор шахсларни иш билан таъминлайдиган ташкилотларни субсидиялар ва бошқа турли хил имтиёзлар билан қўллаб-қувватлашда давлат субсидиялардан ташқари турли хил солиқ ва бож имтиёзларини бериш тизимини йўлга қўйган. Масалан, Японияда хорижлик фуқароларга хизмат кўрсатадиган Иммиграция марказларининг кафе ва ошхоналарида ногиронларни ишга ёллаш тизими йўлга қўйилган бўлиб, бунинг натижасида ушбу кафе ва ошхоналар давлат томонидан турли хил имтиёзларга эга бўлишади.

Умуман олганда, дунё мамлакатлари, хусусан, ривожланган мамлакатларда давлат томонидан ногиронлиги бор шахсларни қўллаб-қувватлашда хусусий секторни фаол жалб қилишга муҳим эътибор қаратилади. Бунинг асосий сабаби шундаки, хусусий сектор бу масалада қўшимча куч бўлиб, у ўзининг молиявий имкониятлари ва рақобатбардош ёндашувлари билан мамлакат ижтимоий ҳимоя тизимидаги бу каби долзарб аҳамиятга эга масалани тез, сифатли ва самарали амалга оширишга муносиб ҳисса қўшади. Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда ижтимоий ҳимоянинг янги тизимини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ислохотларда хусусий секторни ногиронлиги бор шахсларни қўллаб-қувватлашга фаол жалб этишга эътибор қаратила бошланди. Бундай эътибордан кўзланган мақсад – бу ногиронлиги бор шахсларни қадрини таъминлайдиган ижтимоий ҳимоянинг янги тизимини ривожлантиришдир.



MUNDARIJA

I shu'ba

IJTIMOY-IQTISODIY BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARIGA ERISHISH UCHUN "YASHIL" IQTISODIYOTGA
JADAL O'TISH

Section I

ACCELERATED TRANSITION TO A GREEN ECONOMY TO ACHIEVE SOCIO-ECONOMIC SUSTAINABLE
DEVELOPMENT GOALS

I секция

УСКОРЕННЫЙ ПЕРЕХОД К "ЗЕЛЕННОЙ" ЭКОНОМИКЕ ДЛЯ ДОСТИЖЕНИЯ ЦЕЛЕЙ СОЦИАЛЬНО-
ЭКОНОМИЧЕСКОГО УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ

The Development of Marketing Innovations in Retail Trade.....	4
Shakhriyor Sadullaev, Sadullayeva Shahrizoda	
Направления совершенствования стратегии компании для успешной организации IPO.....	9
Шахзод Сайдуллаев	
"Yashil iqtisodiyot"ni rivojlantirishning iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish	11
Abdurahmonov Xolboy To'xtayevich	
Тўқимачилик саноати кластерлари инновацион фаолиятининг барқарор ривожланиш муаммолари ва ечимлари.....	14
Икрамов Мақсад Муратович	
O'zbekistonda chakana savdo korxonalarini rivojlanishi va innovatsion faoliyati.....	20
Karimov Baxrom Ilxomjonovich	
Unveiling the Dynamics of Agglomeration Economies in Sustainable Development.....	24
Khakimov Ziyodulla Akhmadovich	
Kimyo tolalari asosida to'qimachilik mahsulotlari bozorini diversifikatsiyalash usullari.....	28
Raximov Furqat Jalolovich	
Qashqadaryo viloyatida Safari turizmini rivojlantirish dinamikasini o'rganish.....	32
Ro'ziyev Bobir Akramovich	
Брендни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича замонавий маркетинг назариялари ва стратегиялари.....	34
Зияева Шахло Шоакбар қизи	
The Development of Marketing Innovations in Retail Trade.....	37
Shakhriyor Sadullaev, Sadullayeva Shahrizoda	
Тижорат банк хизмат турларини исломий банк хизматлари орқали ривожлантириш истиқболлари.....	42
Байжанова Гоззал Сарсенгалиевна	
Ногиронлиги бор шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари	48
Каримов Бекзоджон Илхомович	

Jurnal sayti: <https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz>

Yashil

IQTISODIYOT va TARAQQIYOT

Ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, ilmiy, ommabop jurnal

Ingliz tili muharriri: Feruz Hakimov

Musahhih: Xondamir Ismoilov

Sahifalovchi va dizayner: Iskandar Islomov

2024. Maxsus son

© Materiallar ko'chirib bosilganda "Yashil" iqtisodiyot va taraqqiyot" jurnali manba sifatida ko'rsatilishi shart. Jurnalda bosilgan material va reklamalardagi dalillarning aniqligiga mualliflar ma'sul. Tahririyat fikri har vaqt ham mualliflar fikriga mos kelamasligi mumkin. Tahririyatga yuborilgan materiallar qaytarilmaydi.

Mazkur jurnalda maqolalar chop etish uchun quyidagi havolalarga maqola, reklama, hikoya va boshqa ijodiy materiallar yuborishingiz mumkin.

Materiallar va reklamalar pullik asosda chop etiladi.

El.Pochta: sq143235@gmail.com

Bot: [@iqtisodiyot_77](https://t.me/@iqtisodiyot_77)

Tel.: 93 718 40 07

Jurnalga istalgan payt quyidagi rekvizitlar orqali obuna bo'lishingiz mumkin. Obuna bo'lgach, [@iqtisodiyot_77](https://t.me/@iqtisodiyot_77) telegram sahifamizga to'lov haqidagi ma'lumotni skrinshot yoki foto shaklida jo'natishingizni so'raymiz. Shu asosda har oygi jurnal yangi sonini manzilingizga jo'natamiz.

"Yashil" iqtisodiyot va taraqqiyot" jurnali 03.11.2022-yildan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan №566955 reyestr raqami tartibi bo'yicha ro'yxatdan o'tkazilgan.

Litsenziya raqami: №046523. PNFL: 30407832680027

Manzilimiz: Toshkent shahar, Mirzo Ulug'bek tumani
Kumushkon ko'chasi, 26-uy.



Jurnalning ilmiyligi:

"Yashil" iqtisodiyot va taraqqiyot" jurnali

O'zbekiston Respublikasi
Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar
vazirligi huzuridagi Oliy
attestatsiya komissiyasi
rayosatining
2023-yil 1-apreldagi 336/3-
sonli qarori bilan ro'yxatdan
o'tkazilgan.